



## **ОАВДА ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШИНИНГ ЁРИТИЛИШИ (ТЕЛЕВИДЕНИЕ, РАДИО, МАТБУОТ ВА ИНТЕРНЕТ МИСОЛИДА)**

**Фармонова Моҳинисо Аҳтамовна**

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар  
университети

“Телевидение ва радиоэшиттиришлар” йўналиши 2 курс  
магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6110820>

### **MAQOLA TARIXI**

Qabul qilindi: 05-Fevral 2022  
Ma'qullandi: 10 - Fevral 2022  
Chop etildi: 14 - Fevral 2022

### **KALIT SO'ZLAR**

инвидиуализм,  
коммункация,  
глобаллашув,  
конференция,  
модернизация,  
мультимедия,  
аксиалглобалистлар,  
либерализм,  
консерватизм, медиа-  
холдинг, экспансия,  
информацион.

### **ANNOTATSIYA**

Ёшларнинг сиёсий-маърифий дунёқарашини ошириш, сиёсий ташкилотлар билан жамоатчилик ўртасида мулоқотларни йўлга қўйиш, ёшларга ахборот орқали таъсир қўрсатиш, уларнинг мағкуравий иммунитетини ошириш, мўътадил сиёсий маърифатга жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий мағкура тарғиботи, фуқаро тарбияси каби масалалар маҳаллий матбуотда қай тарзда ёритилаётгани мақолада ўз аксини топган. Жамиятни демократлаштиришда ахборот омилиниң ўрни, глобал ахборотлашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг вазифалари каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор берилган.

Оммавий ахборот воситалари ҳокимият ва халқ ўртасидаги ягона ва том маънодаги воситачи бўла олиши жиҳатидан, жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол ғоясини халқимиз, энг асосийси, ёш авлод онгига сингдиришдаги аҳамияти бекиёс. Улар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-хуқуқий, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни, жамият ҳаётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттирадиган самарали воситадир. Тўртинчи ҳокимият ҳисобланган оммавий ахборот воситалари турли фикрлар, ранг-баранг

қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб бериши, ҳаётимизда рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиш, холислик ва ҳаққоният тамойилларига таяниб фаолият юритиши лозим.

Истиқлол йилларига келиб, мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий ҳаёти ўзига хос хусусият ва долзарблик касб этди. Ўзбекистонда истиқлол йилларида миллий ва башарий қадриялар учун кенг йўл очилгани муносабати билан умуминсоний мезондаги анъаналар билан бир қаторда



“оммавий маданият”, ғарбча инвидиуализм, сиёсий экспанцияга оид худбинлик ва зўравонлилкка асосланган мафқурадаги оқимлар ҳам кириб кела бошлади. Бундай турдаги сиёсий ахборотлашув демократик оммавий ахборот воситалари миллиатнинг, ҳалқнинг тили бўлиш ўрнига хорижий манфаатларга хизмат қиласди. Ваҳоланки, демократик оммавий ахборот воситалари деганда ҳалқ билан эркин мулоқот юрита оладиган оммавий ахборот воситалари тушунилади. Бугун сиёсий ҳаётда ОАВнинг ўрнини ҳам кўрсатиш керак. Бугунги кунда анъанавий матбуотдан ташқари қатор интернет-нашрлари ҳам кўпайиб қолди. Чунки улар ўз фаолиятларини қонуний йўлга қўйиб, ОАВнинг бошқа турлари (газета, журнал, телевидение, радио)га берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла фойдаланишга интилмоқдалар. Зоро бундай сайтларни рўйхатдан ўтказиш бу улар учун берилган катта ваколат ифодаси ҳамдир. Рўйхатдан ўтадиган ҳар бир сайт таҳририяти Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Конунида кўрсатилган қатор ҳуқуқларга ҳам эга бўлади. Бугун республикамида ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилган саксондан ортиқ ана шундай веб-сайтлар фаолият кўрсатмоқда. Сайт мухбирларининг газета ёки телевидение мухбирларига ўхшаб ахборотни излаши, олиши, турли мақом ва даражадаги йиғилиш ва конференцияларда расман иштирок этиб, ёритиб бориши ОАВ сифатида рўйхатдан ўтиб, эркин фаолият кўрсатмоқчи бўлган ҳар қандай сайтнинг асосий мақсади ҳисобланади

ва бундай ҳуқуқни уларга фақат қонун бера олади.

Биз айниқса глобаллашган, тезкор коммункациялашган, тўлиқ ахборотлашган мафкуравий тўқнашувлар кучайган, энг аввал ёшларимиз онгида мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз лозим. Ёшларда ташқи ғоявий таъсир ва хуружлардан ҳимоя қиласдиган мустаҳкам маънавий иммунитет шакллантириш керак бўлади. Бунинг учун матбуот ёрдамида ёшларимиз эркин, мустақил фикр юритишини ўргатиб бориб, иймон-эътиқодли, ақлзаковатли, иродаси мустаҳкам, доно, турли ахборотлар қаршисида ўз фикрига эга бўлишига маънавий – моддий мадад кўрсатишимиш талаб этилади. Яна ўтмиши буюк юртимиз тарихи, миллий қадриятларимиз ҳамда улуғ аждодларимиз қолдирган бебаҳо илмий ва маънавий меросини ёшлармиз онгига, қалбига сингдиришимиз лозим. Давр тақозоси ёшларни, умуман фуқароларни четдан келаётган ёт ва заарали ғоялар домига тушиб қолмаслик ҳамда “оқу қора”ни англаб етишишларига имконият яратиб бериш, ва ниҳоят толерантликка асосланган давлат бошқарувига оид технологияларни жорий этиш заруратини туғдиради.

Мавжуд сиёсий-маърифий манбалар таҳлилидан маълум бўлишича, глобаллашув шароитида замонавийликни миллий, диний қадриятларимизга уйғунлаштириш ёшларимиз тарбиясида юқори ўрин тутади. Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлат қуриш, демократик ўзгаришларни амалга



ошириш, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишдек эзгу мақсадлар сари одимлаётгани илмий изланишларда шахсни давлат ва жамият сиёсатининг кучли субъектига айлантиришга, сиёсий идоралар билан фуқаро ўртасида самарали муроқот ўрнатишга, кишилар онгида демократик қадриятларни қарор топтиришга, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий маданиятини юксалтиришга, асрий қадриятларимиз тарғиботининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиладиган усуллар, механизм ва технологияларни илмий тадқиқ этишни тақозо этади.

Жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда кечеётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирок этишларига кенг имконият яратища, хусусан четдан кириб келаётган ғайри мағкураларга хос ташвиқот ва миссионерликнинг заарлари олдини олишда матбуотда сиёсий-маърифий мақолаларни кўпайтириш, уларни асосан, ўсмир-ёшлар ўқийдиган интернет сайтларига жойлаштириш, мультимедия ва электрон китоблар яратиш технологияларини самарали қўллаш имкониятларини тадқиқ этиш, бу технологияларни фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий маданиятини юксалтириш ва самарали муроқот воситаси сифатида ўрганиш мақсад қилиб қўйилган. Бундан ташқари олий ўкув юртларининг ижтимоий фанлар тизимида сиёсий-маърифий соҳа бўйича фан ёки маҳсус фанлар ўқитилишини йўлга қўйиш зарурати

туғилаётганлигини мазкур диплом ишида исботлаш мақсад қилинди.

Сиёсий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирок этиши мамлакатнинг демократик ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаолият кўрсатишларига сўнгги беш йилда катта имкониятлар яратилди.

«Миллий истиқолол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида ахлоқсиз ғояларни ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар мағкуравий таҳдид сифатида кўрсатиб ўтилган. Демак, кишиларга бузук ғояларни тарғиб қилиш, уларда одамийликка зид сифатларини қарор топтиришга бўлган ҳар қандай уринишларни ғоявий таҳдид деб баҳоламоқ керак.

Иккинчидан, Фарбга хос оммавий маданиятни умуминсоний маданият, универсал маданият сифатида эътироф этилишига уриниш мавжуд. Шу ўринда, глобаллашувни “яхлит дунёнинг шаклланиши, ягона йирик давлатнинг қарор топиши, ягона жаҳон маданияти(!)га эга халқаро ҳамжамиятнинг таркиб топиши жараёни” сифатида талқин қилаётган олимлар ёдга тушади. Бу жиҳатдан, аксилглобалистлар глобаллашув жараёнини маданий империализмнинг янги кўриниши деб талқин қилаётгани ҳам бежиз эмас.

Универсал қадриятлар сифатида тарғиб этилаётган эркинлик, либерал демократия, илмий-техник тараққиёт ва хусусий мулкнинг дахлсизлиги каби



қадриятларнинг моҳияти ҳақида тўхталар экан, таниқли олим Э.Азорянц бу қадриятларнинг салбий жиҳатлари ҳақида асло гапирилмаслигини уқтиради: “Шахс эркинлиги ва индивидуализм эркинлик сари йўл бўлмай, бошбошдоқлик ва жамиятни ичидан емириб бориш омилига айланди. Либерал демократия давр талабларига жавоб бера олмайди ва тарихий қонуниятларни инкор этади. Шу боис, омма кайфиятида либерализм ва консерватизмга, айрим ўринларда социализм ва фашизмга интилиш кузатилади. Илмий-техник ва маданий тараққиёт ўзининг ранго-ранг сирти ортида экологик инқироз, оммавий қирғин қуроллари, алкогольизм, наркомания, фоҳишабозлик, беҳаёлик, инсонни манқуртлаштирувчи оммавий маданият, миллий анъаналарни поймол қилиш ва инсоннинг маънавий қашшоқлашуви каби салбий оқибатларни яширмоқда. Хусусий мулкнинг дахлсизлиги бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирган мотив бўлиб хизмат қилган бўлса-да, жамиятдаги кутблашувни келтириб чиқариб, бу механизмнинг тескари ишлашига – бир қутбда камбағаллар ва бошқа қутбда бадавлатларнинг жойлашиб қолишига сабаб бўлди”.

Фан-техника тараққиёти глобаллашувнинг таркибий қисми саналади. Интернетнинг яратилиши эса илмий-техник соҳада инқилобий ўзгаришлар ясади. Интернет инглиз тилининг глобаллашувига кучли туртки берди. Ахборот соҳасидаги устуворликни таъминлайдиган бу омил инсон онгига кучли таъсир ўтказиш ва

уни бошқариш имкониятларини кенгайтирди. Жаҳон медиа-холдингларининг эгалари содир бўлган воқеа-ҳодисаларни ёритишида урғуларни ўзгартириш йўли билан ҳам томошабинда бу воқеликка нисбатан ўзлари истаган муносабатни шакллантириш қудратига эга. Интернет эса виртуал воқеликни шакллантириб, ундан фойдаланувчиларда маданиятнинг янги кўриниши – кибермаданиятни қарор топтироқда. Виртуал воқелик ва кибермаданият, ўз навбатида, кишиларнинг феъл-аворини осонликча программалаштириш имкониятини бермоқда.

Учинчидан, маданий-ғоявий экспансияни “модернизация”, “анъанавий жамиятларни замонавийлаштириш” шиори остида амалга ошириш кенг урф бўлмоқда. Жамиятнинг замонавийлашуви деганда анъанавий, турғун ҳолатдан тарихий тажриба ва қадриятларга таянган ҳолда тараққиёт сари, янгилик сари қадам қўйиш, янгиланиш тушунилади. Бунда турган гапки, бошқа давлатларнинг тажрибаси ҳам ўзлаштирилади. Аммо маданий-ғоявий экспансияни амалга ошираётган кучлар ғарбга хос бўлган барча андозаларни кўр-кўронга кўчириб ўтказиши замонавийлик, модернизация дея талқин қилиш, уларнинг измида юргаган жамиятларни эса қолоқ ва турғун жамиятлар сафига кўшишга уринмоқдалар.

Тўртинчидан, ғарб маданиятини қаттиқ ҳимоя қилувчи ғарбпаст маданий элитани, интеллекенцияни шакллантириш жараёни кечмоқда.



Маълумки, ҳар бир жамиятда инсонлар эргашадиган ва тақлид қиласидиган етакчилар, санъаткорлар, олимлар қатлами мавжуд бўлади. Маданий-гоявий экспансияда ана шу омилга ҳам таяниш — машхур кишилар, аникрофи, инсонлар ўртасида катта обрў ва мавқега эга кишиларни ўз тарафига оғдириш, уларни ғарб маданияти ва турмуш тарзининг ҳимоячиларига айлантиришга уриниш кузатилмоқда. Бунда консюмеризмдан, яъни ғарбона турмуш тарзини ўзлаштирганларни, ғарб андозалари асосида яшовчиларни жамиятнинг “олий қатлам”и сифатида кўрсатиш усулидан кенг фойдаланилади.

Шундай экан, Ғарб давлатлари томонидан амалга оширилаётган маданий-гоявий экспансияга қарши туриш бир қатор вазифаларни бажаришни шартлаб қўяди. Бугунги воқелик ҳар қандай давлат олдида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласининг дунё миқёсида қизғин муҳокама қилинаётгани ҳам бежиз эмас. Ўз тараққиётининг мураккаб, ўтиш босқичини бошидан кечираётган мамлакатлар учун бу муаммо алоҳида долзарблиқ касб этади. Чунки мамлакат манфаатларига зид ахборот хуружлари бу мамлакатлар учун айниқса хавфли ва ҳалокатли тус олади. Айтиш мумкинки, маданий-гоявий хуружлар мустақил давлатларнинг заифлашувига олиб келади. Ана шундай таҳликали дунёда миллий мафкура давлатларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ўзликни ҳимоя қилиш, маданий ўзига

хосликни асраш ва ахборот хуружларидан ҳимояланиш воситаси сифатида намоён бўлади.

Маданий-гоявий экспансияга қарши кураш қатор ташкилий ва хуқуқий масалаларни ҳал қилишни, шунингдек, тарбиявий чоралар кўришни талаб этади. Бунга эришишнинг муҳим бир усули – фуқароларнинг ахборот маданиятини юксалтириш, яъни уларда ахборотни саралаш ва ундан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ. Муҳими, инсонларни ахборотни тўғри идрок этишга тайёрлаш лозим. Яъни, ҳар бир шахс маълум ахборотнинг фойдали ёки зарарли эканини ажратиб оладиган мезонларни ишлаб чиқиши, маълум ахборотнинг ўз профессионал фаолияти ва шахсий ҳаёти учун қадр-қимматини баҳолаш кўникмасига эга бўлиши зарур. Бошқача айтганда, инсонларнинг онгода ахборотларнинг сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратадиган “фільтр”ларнинг бўлиши ахборот хавфсизлигини кафолатловчи муҳим омил саналади.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида кўплаб ривожланган демократик мамлакатларда фуқароларнинг ахборот олиш имкониятларида кескин ўзгаришлар рўй берди. Натижада, оммавий телевидение ва оммавий маориф вужудга келди. Интернет технологияларининг пайдо бўлиши, ахборотни зудлик билан етказиш имконияти, электрон ахборот алмашувчилар жамиятларининг тузилиши давлат ҳокимияти учун бўладиган курашларнинг табиатини ҳам ўзгартириб юборди. Липпманн



айтганидек: «..ахборот воситалари инсоний жамиятнинг барча қирраларини очиб беришга ожиз бўлсайди, кишилар бирор муаммо хусусида ўз фикрларини билдира олмас эдилар». Бундан ташқари кишилар телерадио-аудио-мультимедиа

воситаларидан уйларидан чиқмаган ҳолда фойдалана бошладилар. Бу уларни пассив ахборот қабул қилувчига айлантириб қўйди. Ўзаро алоқа йўқолиб борди. Янги информацион ва

коммуникатив технологиялар ижтимоий ҳаётга кириб келиши билан унинг шаклини ўзгартирибгина қолмай, балки индивидлар ва сиёсий институтларнинг эски қолипдаги алоқаларини ҳам бирмунча «синдирди».

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. “Луғат. Журналистика, Реклама. Паблик рилейшнз. Маълумотнома. 1700 та атама”. “Зар қалам” нашриёти 2003.
2. Фаффоров Н.Н, Эрназаров Қ.Т. “Жамоатчилик билан ишлаш – паблик рилейшнз”. Маърузалар матни. Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ, -Т.: “Зар қалам”. 2002.
3. Азизхўжаев А.А. Миллий давлатчилик ва маънавият. –Т.: Шарқ, 1997;
4. .Назаров ҚН. Аксиология. –Т.Файласуфлар миллий жамияти, 2004;
5. Пахрутдинов Ш. Таҳдид - ҳалокатли куч. – Т.: Академия, 2001;
6. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: Академия, 2007;
7. Жумаев Р.З. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. –Т.: Шарқ, 1998;